



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 28-may, Shanba

64 (31.340)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКISTON ҚАҲРАМОНИ, ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ САИД АҲМАД ВА ТАНИҚЛИ ШОИРА САИДА ЗУННУНОВА ХОТИРАСИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган адиблар — Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва унинг умр йўлдоши, таниқли шоира Саида Зуннунованинг бетакрор ижодий мероси, ибратли ижтимоий фаолияти билан ўзлгимизни англаш, ёш авлодни она Ватанга севги ва садоқат туйғуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги катта ўрни ва аҳамиятини инobatга олиб ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқ-

ли шоира Саида Зуннунова хотирасига ҳайкал ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Бадий академияси бир ой муддатда тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳайкални яратиш бўйича ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2011 йил 27 май

И.КАРИМОВ

ЎзХДП: устувор вазибалар



Эътироф

Ўзбекистон ҳам, Польша ҳам улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакатлар. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг мутасадди юксалиб бораётгани мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг изчил тараққий этабтанига ёрқин мисол бўла олади. Ташрифимиз давомида ўтказилган турли тадбирлар икки томонлама ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф этиш, мавжуд имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш масалаларини кўриб чиқиш учун яхши имконият бўлди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни турли соҳаларда янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Рафал БАҲЯК,
Польша иқтисодиёт
вазирининг ўринбосари.

Янгиликлар

Аллапинин, целагрип, госсипол...

Ўзбекистонда ишлаб
чиқарилган янги
доривор воситалар

ЎзРФА Полимерлар кимёси ва физикаси, Биорганик кимё ҳамда ўсимлик моддалари кимёси институтларида 30 дан зиёд доривор воситалар назарий асослари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Дунёда аналогий йўқ аллапинин препарат аритмия — юрак хасталигини даволашда самарали фойдаланилмоқда. Уни яратган олимлар 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат муқофотига сазовор бўлишди. Шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган жистенин, целагрип, цезалон, госсипол, гозалидон каби доривор воситаларга бугун чет элларда ҳам талаб жуда катта.

Ишонч ёрлиғи топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Австралиядоги Фавкулда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Сингапур Республикасида) Алишер Курмонов Австралия Генерал-губернатори Квентин Брайсга ишонч ёрлиғини топширди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Австралия ўртасидаги сийосий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди. Австралия Генерал-губернатори Ўзбекистоннинг Австралиядоги илк элчисини тайинлаш тўғрисидаги қарордан мамнуният изҳор қилди. Бу — икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарихий воқеадир.

К.Брайс мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сунгги йилларда фаоллашиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Генерал-губернаторнинг сўзларига кўра, расмий Канберра Ўзбекистон каби жадал ривожланаётган мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор билан қаради.

Австралия раҳбари Ўзбекистон Республикаси билан Австралия ўртасида ўзаро манфаатли йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

«Жаҳон» АА

Оммавий ахборот воситалари ролини ошириш йўлида

Истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва уларни демократик ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш борасида катта тажриба тўпланди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш жараёнида ахборот соҳасига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда шу-

лар ҳақида сўз юритилди. Унда экспертлар, депутатлар ҳамда шу кунларда Жиззах ва Самарқанд вилоятларидан келиб, республикамиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларида малака ошираётган ёш журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ҳужжатлар, хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очикилиги тўғрисида», «Телерадиозшиттиришлар тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»-ги янги қонунлар ҳақида сўз юритилди.

Сардор ТОҲИВ,
ЎзА мухбири.

Электорат манфаати ҳимоясига янгича ёндашув

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари ва фракциясининг вазирилик, идоралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, май ойининг бошида ЎзХДП фракцияси аъзолари ўз сайлов округларида фуқаролар вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Унда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқадиган асосий вазибалар, Концепция асосида қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтириш ишлари олиб борилди. ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг Концепцияни тарғиб этиш, унда белгиланган вазибаларни амалга оширишда фаол иштирокни таъмин-

лашга бағишланган семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг жойларда бажарилиши ўрганилиб, мониторинг қилинди. Фракциянинг кенгайтирилган йиғилишида депутатларнинг ана шу фаолияти яқунлари муҳокама этилди.

Сайлов округларидаги фаолиятимиз «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқиб аниқ мақсадларга йўналтирилди, — деди ЎзХДП Марказий Кен-

гаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Л.Ғуломов. — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари вакиллари иштирокида касб-хунар коллежларини жорий йилда тугатаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Асосий эътибор вилоят, туман ва шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор ижтимоий масалаларини ҳал этишда ташаббускорлиги, фаоллигини оширишга қаратилди.

Фуқаролар вакиллари билан очик-ошкора мулоқотлар электорат муаммоларини чуқур ўрганиш, жойларда қонунларни бажариш масалаларини юзасидан фракция аъзоларининг назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш, Концепция асосида

Қонунчилик палатасига киритиладиган қонунлар лойиҳаларининг жамоатчилик ўртасида муҳокамасини ташкил этишда фракция имкониятини кенгайтиради. Иккинчи томондан, маҳаллий Кенгашилардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари партия электорати манфаатларига жавоб берадиган ижтимоий масалаларни чуқурроқ ўрганиш ва ҳал қилиш борасидаги таклифларни тайёрлаш ҳамда сессиялар муҳокамасига киритишда фракция аъзоларининг профессионал салоҳиятига таяниши мумкин. Энг асосийси, биргаликдаги фаолият натижасида Ўзбекистон ХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида туман ва шаҳар Кенгашилардаги депутатлик гуруҳларининг зиммасига юклатилган аниқ вазибалар тўла-тўқис ижро этилишига эришамиз.

⇒ 2

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Жамоатчилик ва парламент назорати

таъминлашида оммавий ахборот воситалари мавқеини кучайтириш зарурати



Назира МАТЯКУБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотларнинг навбатдаги босқичида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, хусусан, фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида уларнинг янада эркин ва самарали фаолият юритишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш долзарб масала.

га доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Унга кўра соғлиқни сақлаш соҳасини ислохот қилиш ва унда сифат ўзгаришларини таъминлаш бўйича ижро этилувчи ҳокимият органларининг фаолияти ўрганилади. Шу мақсадда Қонунчилик палатасида Бош вазир ўринбосарининг «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг аҳоли: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари» масаласи юзасидан ҳисоботи эшитилади.

⇒ 2

Спорт



«Футбол ҳамма учун»

Шу кунларда Германиянинг «Йена» аёллар футбол жамоаси юртимизда меҳмон бўлиб турибди

⇒ 4

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



Хизматлар лицензияланган

Долзарб мавзу

Бузилаётган мувозанат

суб манбаларига бўлган эътиборсиз муносабат жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда

Маълумотларга қараганда ўтган асрда юз берган ўнлаб ер силкинишлари, сув тошқинлари, кучли бўронлар, вулкон отилишлари 4 миллион нафардан орტიқ кишининг ёстиғини қуритган. Бундай балолар янги асрнинг дастлабки ўн йиллигида ҳам жаҳоннинг турли нуқталарида тез-тез кузатилмоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган «VI Умумжаҳон сув форуми сари — сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам ана шу долзарб масалалар ҳақида сўз юритилди. Унда дунёнинг 32 мамлакатидан келган 400 дан зиёд экспертлар, таниқли олимлар, экологлар, сув ўзгаришлари соҳаси мутахассислари, 30 га яқин нуфузли халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди.

Дарҳақиқат, суви асраш ва муҳофаза қилиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Расмий маълумотларга кўра, бугун сайёрамизда бир миллиарддан зиёд одам тоза ичимлик сувига муҳтож. Келгусида аҳоли сонининг муттасил ошиб бориши ва иқлим ўзгаришлари оқибатида тақчиллик янада кескинлашиб айтилмоқда.

Мазкур халқаро конференция нафақат Ўрта Осиё давлатлари, балки дунёдаги бошқа мамлакатлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, — деган фикрни билдирди Жаҳон банкининг табиий ресурслар бўйича катта мутахассиси Саймон Кроксон. — Анжуманда минтақадаги экологик ҳолатни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув захиралиридан фойдаланишнинг тежамкор усуллари ишлаб чиқиш каби қатор муҳим масалалар муҳокама қилинган айти мудоа бўлди.

Ҳозир Ўрта Осиёда истиқомат қилаётган миллионлаб аҳолининг ҳаёт-мамоти асосан, Сирдарё ва Амударё ҳавзаларидаги сувга боғланган. Ушбу дарёлар сув тақсимотидаги мувозанатнинг бузилиши эса нафақат сиёсий, балки иқтисодий, ижтимоий, экологик ҳолатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Бундан эса атроф-муҳит, наботот дунёси, ҳайвонот олами жуда катта зарар кўради.

Тожикистонда қурилаётган Рогун ГЭСи минтақа экологик мувозанатини бузиши мумкин, — дейди географ олим Қилч Алланов. — Уни шубҳасиз фалокат устида қурилаётган иншоотга қиёслаш мумкин. Хорижий мутахассислар лойиҳани Японияда рўй берган дахшатли цунамидан ҳам хавфли ўчоқ эканлигини айтишмоқда.

«Pantheon-Assas Paris II» университетининг профессори Жак Барра таъкидлаганидек, «Инсон табиатининг ҳар қандай офатидан устун келишга қодир, деган

да ушбу ҳудуддаги улкан музларнинг умумий майдони 6 минг квадрат километри ташкил этган бўлса, 2000 йилдаги қузатувлардан сўнг унинг тенг ярми қамалигани исботланган. Натижада океанларнинг суви 6 метргача кўтарилиди. Бу эса қандай офатларни юзага келтираётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

— Бундан дунё фаунаси ҳам азиятда, — дейди Сурхондарё вилоят табиати муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Баҳодир Ўринов. — «Қизил китобга киритилган 11 минг турдан ортиқ ҳайвон ва ўсимлик дунёсининг келажаги хавф остида.

— Маълумки, юртимизда сув ресурсларидан ҳамда трансчегаравий дарёлардан фойдаланишни тартибга солиш борасида мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилган. Бинобарин, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари ўз ифодасини топган. Бугунги кунда чучук сув танқислиги тобора ортиб бораётган бир шароитда минтақамиздаги мавжуд вазиятни оқилона ҳал этишга киришиш вақти аллақачон етиб келди.

— Сув, ҳаво ва она заминни асраш бурчимиз, — дейди ЎзЭДП фаоли, Шўрчи туманидаги фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт хўжалиги раҳбари», «Эл-юрт турмуши» ордени соҳибига Тўхта Эшимов. — Бу неъматлар бебаҳо бойликдир. Томчида — ҳаёт акс этади, дейдилар. Обихаётни исроф қилмасликни ҳар биримиз ўзимиздан, оиламиздан бошлашимиз даркор. Ихтиёриямизда 164 гектар ер бор. Шунинг 84 гектарида ғалла, 77 гектариди пахта етиштирилмоқда. Қолганига мева-яил вақти кўчирилди.

— Утган аср поёнида олимлар томонидан сайёрамизга ҳалокатли экологик хавф чанг солаётгани айтилганлиги, — дейди биология фанлари доктори, профессор Шукр Хуррамов. — Улар тропосфера иқлими 0,7 даражага кўтарилишини аниқлашган. Сўнгги ўн йилликда иссиқ иқлимни Ўрта Шарқ ва Мисрда мисли кўрилмаган жазирага кузатилди. Россия, АҚШ, Франция, Жанубий Америка ва Африка ҳам бундан мустасно эмас.

Шу ўринда яна бир гап: мутахассислар томонидан Антарктида музликлари 3,2 километр чуқурликда «пуржинасимон» қилиб бургуланганда унинг энг пасти қисми соф ва тоза эканлиги маълум бўлган. Юза қатлами эса турли газ ва бошқа зарарли моддалар билан қопланганлиги ўз тасдиғини топган.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, бундай бўҳронлардан дунё иқлими йилдан-йилга ўзгармоқда. Яқунланган юз йилликнинг поёни-

Миллий матбуот марказида

Мақсад — иқтисодий хавфсизликни таъминлаш

Давлат божхона қўмитаси томонидан «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилишига қарши чора-тадбирлар» га бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Унда таъкидланишича, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишнинг амалдаги тартиблари белгилаб қўйилган.

Дополнительную информацию можно получить по телефону: 8-10-99871-140-29-54, спросить Семена Аркадьевича.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Банк, мижоз муносабатлари ривожланмоқда

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё вилоят бошқармаси асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар ва уни қайта ишловчиларга молиявий мадад бериб келмоқда.

— Сариосиё туманидаги «Дашнобод боғлари» фермер хўжалигини ташкил этганига анча бўлди, — дейди Абдуғаффор Аҳмедов. — Ерларимиз асосан, кир-адирлардан иборатлиги боис боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланамиз. «Агробанк»нинг Сариосиё бўлими молиявий кўмагида ютуқларга эришамиз, десам муболага бўлмайди. Кишининг охирида банк филиалига мурожаат қилдик. Лойиҳамиз тезда кўриб чиқилиб, бизга 660 млн. сўм кредит ажратилди. Ҳозир эккан олма кўчатларимиз беҳато, бир текис ривожланмоқда. Яқин йилларда боғларимиз мўл ҳосилга қиради. Банкдан олинган кредитни ҳам сўндирамиз, деган умиддамиз.

— Биз асосан, катта майдонларда бодомзорлар ташкил этганмиз. Анорларимиз ҳам бор. Эндиликда бўш ётган майдонларда олма етиштиришга аҳд қилдик, — дейди «Бодомзор» фермер хўжалиғи раҳбари Шавкат Каримов. Шу боис, банк фи-

лиалидан олган 450 млн. сўмлик кредит ҳисобига, олмасор барпо этдик. Айти пайтда кўчатларнинг авжи баланд. Олтинсой туманидаги «Ширин» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудда эса банкдан олинган кредит ҳисобига икки гектар боғ яратилди. Банкнинг Олтинсой филиали томонидан берилган кредит эвазига 600 туп Сербия олмаси ва олхўри кўчатлари олиб келинди.

Бундан ташқари, банкнинг Сариосиё ҳомиёлиги асосида Баросиё иқтисодиёт коллежи ҳудудда 300 туп хурмо кўчати ва Шеробод туманидаги Зарабоғ иқтисодиёт коллежи ҳудудда жами 300 туп, шундан 100 туп қайрағоч, 100 туп ўрик ва 100 туп бодом кўчатлари экилд.

«Агробанк»нинг Сурхондарё вилоят бошқармаси 2011 йилда Эндиликда бўш ётган майдонларда олма етиштиришга аҳд қилдик, — дейди «Бодомзор» фермер хўжалиғи раҳбари Шавкат Каримов. Шу боис, банк фи-

млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратди.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланишида техника таъминоти асосий ўрин эгаллашгани инобатга олиб, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарига 2010 йилда техника воситалари ва эҳтиёт қисмлари олиш учун ҳисобидан жами 5 млрд. 062,5 млн. сўм банк кредити йўналтирилди. Шунингдек, жорий йилда 550 млн. сўмлик техниклар банк кредитлари ҳисобига олиб берилди.

Бошқарма томонидан хизмат кўрсатилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкнинг ички имкониятидаги барча имтиёзли хизмат турларини тақлиф қилиш, шунингдек, фаолиятини қатъи назар уларни ривожлантиришда таянч бўлиш ҳамда янги иш уринларини яратиш мақсадида банкнинг ўз маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари фонд маблағлари ҳисобидан кредитлар ва микрокредитлар бериш йўлга қўйилди. Кичик бизнес субъектларига

барча молиялаш манбалари ҳисобидан берилган кредитлар 2011 йилнинг 1 апрель ҳолатига 4 млрд. 654,6 млн. сўмни ташкил қилади. Бунинг ҳисобига 867 та иш ўрни яратилди.

Банк бошқармаси томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор кучайтирилди. Шу йилнинг 1 апрель ҳолатига қирқ нафар тадбиркор аёлга 353,7 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилганлиги фикримиз далилидир. Ёш оилаларга берилган 185,5 млн. сўм миқдордаги маблағ кичик бизнесни ривожлантиришга яна бир туртки бўлди.

Президентимизнинг шахсий ёрдამчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб

чиқаришни кенгайтириш борасидаги қарорига асосан 88 та кам таъминланган оилага қорамол сотиб олиш учун 272,1 млн. сўм миқдорда нақд пулда микрокредитлар берилди. Шунингдек, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш учун берилган 2 млрд. 322 млн. сўм маблағ ҳам яхши самара бераётир.

Вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган Сурхондарё вилоятида 2011 йилда лойиҳа ташаббускорлари томонидан амалга оширилган ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг манзили Дастури ижроси юзасидан бир қатор ишлар қилинди.

Унга мувофиқ шу йилнинг биринчи чорағида киритилган 21 та лойиҳа қиймати 4 млрд. 307,0 млн. сўм бўлиб, шундан ўз маблағи ҳисобидан 3 млрд. 612 млн. сўм ажратилиши режалаштирилди. Ушбу кредит ҳисобига 284 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, иқтисодий ноҳор қорхоналарни тиклаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Жорий йилда вилоятда чорвачилик паррандачилик, балиқ-



чилик ва асаларчилик тармоқларини ривожлантириш учун 62 та мижозга 3 млрд., 683,9 млн. сўм банк кредити ажратилиши мўлжалланган.

Жумладан, хориждан насли қорамол олиб келиш учун 24та мижозга 1 млрд. 124,5 млн. сўм, балиқчиликни ривожлантириш учун 15 та мижозга 353,0 млн. сўм, асаларчилик билан шуғулланаётган шахсий ёрдამчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадоклаш мақсадида ички технологиялар келтириш, учун 4 та мижозга 38,0 млн. сўм кредит ажратиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. Шунингдек, паррандачиликни ривожлантириш учун 19 та мижозга 2 млрд. 168,4 млн. сўм кредит ажратилиши режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун бугунги кунгача 1 млрд. 395,0 млн. сўмлик банк кредити ажратилди.

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё вилояти бошқармасида тадбиркорларга, кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар устидан доимий мониторинг ўрнатилган. Хар ойда кредит ҳисобига олинган чорва моллари, паррандалар, техника воситалари, ёқилғи-мойлаш ашёлари ва эҳтиёт қисмларнинг ҳолати тўғрисида таҳлил олиб борилади. Банк томонидан берилган кредитлар янги қорхоналар очилган, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдиришга, энг асосийси, янги иш ўринлари очилишига хизмат қилмоқда. Демак, намунали банк хизмати фермер ва тадбиркорга мадад, қишлоқ хўжалиги ривожига эса муҳим омилдир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Шоҳмат

Гельфанд — тож даъвогари

Россиянинг Қозон шаҳрида умумий мукофот жамғармаси 400 000 евро бўлган жаҳон шоҳмат тожи даъвогарларининг уч босқичли саралаш мусобақаси якунланди.

Чорак ва ярим финалларининг асосий ўйинларида гроссмейстерларга хос дуранг натижалар кайд этилди. Фолибларни аниқлаш учун рапид, баъзи ҳолларда блиц ўйинларида мурожаат қилинди.

Ярим финал. Гата Камский (АҚШ) — Борис Гельфанд (Исроил) — 2:2 (рапид — 2:2, блиц — 0:2), Александр Гришчук (Россия) — Владимир Крамник (Россия) — 2:2 (рапид — 1,5:0,5).

Финал. Гришчук — Гельфанд — 2,5:3,5. Дастлабки бешта ўйин дуранг бўлди, Гельфанд

оқ доналар билан 6-ўйинда ғалаба қозонди.

Келгуси йили Гельфанд жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Вишванатан Анандга қарши шоҳмат тожи учун ўйнайди. Эслатиб ўтамиз, Ананднинг 2008 йилда Владимир Крамник (Россия)га, 2010 йилда Веселин Топалов (Болгария)га қарши жаҳон чемпионлиги учун бўлган ўйинларида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳиндистонлик гроссмейстерга секундант-мураббийлик қилган эди.

Асрор МҮМИН

«Бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор»



«Ўқувчиларим муваффақиятларидан нурурланаман»

Умрида кўшиқ ҳиргойи қилмаган, мусиқа тинглаб завқланмаган одам топилмас керак. Куй-кўшиқ кишининг туйғуларини поклайди, эзгу ишларга ундайди.

Олмазор тумани 25-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, «Шуҳрат» медали соҳибى Ғайрат АКБАРОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Бола тарбиясида мусиқа ва санъатнинг ўрни ҳақида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, санъат кишини фақат эзуликка чорлаб, маънавий дидини юксалтирмайди. Шундан бўлса керак, мамлакатимизда мусиқа мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор берилмоқда. Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу соҳада юксалишни бошлаб берди.

2013 йилда бизнинг мактабимиз ҳам тўлиқ реконструкция қилиниши мўлжалланган. Қирқ йилдан ортиқ раҳбарлик фаолиятим мобайнида санъат, хусусан мусиқага ҳозиргидек катта эътибор қаратилганини билмайман.

Бугунги кунда мактабимизда 155 нафар ўқувчи ўзбек халқ чолғулари, фортепьяно, тасвирий санъат, хореография, торли созлар бўлимида таълим олмақда, уларга 24 нафар малакали ўқитувчи-мураббий сабоқ бермоқда. Машғулотлар яқка тартибда, ҳар бир ўқувчининг вақти ва имкониятига қараб олиб борилади.

2009 йилда мактабимиз Тошкент шаҳридаги 30 та ана шундай мусиқа даргоҳлари орасида энг яхши мактаб сифатида тан олинди.

Ўқувчиларимизга жаҳон муси-

қасининг мумтоз намояндалари Моцарт, Бетховен, Бах асарлари билан бир қаторда, миллий санъатимизнинг бетақор дурдоналари, дутор, рубоб, доира, чанг, гижжак каби чолғу асбобларининг ўзига хос нозик хусусиятлари ва мураккаб кирраларини ўргатаймиз. Тарбияланувчиларимиз «Санъат гунчалари», «Истеъдод эгалари» каби қўллаб-қувватловчи таълим дастурлари билан таълим олмақда. Шундан ташқари «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу соҳада юксалишни бошлаб берди.

— Шогирд муваффақиятини кўрганда ҳар қандай устоз қалби фахр-ифтиҳорга тўлади...

— Дарҳақиқат, бугун ўқувчиларимиздан Шерзод Ризаев, Махмуд Алибоев, Даря Тимофеева, Нодира Мухаммедова, Аделя Хамидулина, Юлия Зарецкая каби ёшларимиз республика ва халқаро миқёсдаги турли танловларда совриндорлар сафидан жой олишди. Шу маънода айтишим мумкинки, ўқувчиларимизнинг санъат гулшанида ўз ўрнини топаётганлигидан нурурланаман.

— Бугунги кун ўқувчиси сезингича, қандай бўлиши керак?

— Ёшлар тарбиясида масъул ҳар бир ўқитувчи энг аввало, фидойи бўлиши керак. Менинг назаримда бу дунёдаги энг мураккаб касб бу муаллимликдир. Унинг қийинчиликлари, заҳматларига бардош бера олганларгина бу шарафли касбнинг ҳақиқий эгалари. Мен ҳаммиша ўз касбимдан фахрланаман.

Наргиз АСАДОВА суҳбатлашди.

Спорт

Хабарингиз бор, аёллар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионати бу йил Германияда ўтказилади. Келаси йилнинг октябрида эса футбол бўйича 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон мезбонлик қилади. Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчи-хонаси ва Ўзбекистон аёллар футболу, мини ва пляж футболу ассоциацияси ушбу икки муҳим воқеа муносабати билан 23 майдан бошлаб Қарши, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари бўйлаб «Футбол ҳамма учун» лойиҳаси асосида спорт тадбирларини амалга оширмоқда.



«Футбол ҳамма учун»

Шу кунларда Германиянинг «Йена» аёллар футбол жамоаси юртимизда меҳмон бўлиб турибди

Футбол ҳафталигини ўтказишдан бош мақсад ана шу нуфузли мусобақалар олдидан Ўзбекистонда аёллар футболини янада ривожлантириш ва оммалаштириш, шунингдек, Германия футбол таърибаси билан яқиндан танишишдир.

Мамлакатимизда аёллар футболни ривожлантириш, клубларимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бугун Қаршининг «Севинч» жамоаси номини нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши билишди. Кўп қарра Ўзбекистон чемпиони, қатор йирик халқаро турнирлар гояли ва совриндори бўлиб келаётган қаршилик қизлар қўлга киритаётган ютуқлар аввало, ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир.

«Йена» аёллар футбол жамоаси ва спорт делегацияси 24-25 май кунлари Қаршида бўлиб, шаҳарнинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари билан танишди. Ташрифнинг дастлабки кун меймонлар маҳаллий «Насаф» жамоасининг ОФК кубоги нимчорак финал босқичида Иорданиянинг «Ал-Файсалий» футболчилари билан ўтказган ўйинини кўзатиш имконига эга бўлишди.

25 май кунини эса Қаршидаги Ўзбекистон аёллар футболни ривожлантириш маркази саналган «Геолог» спорт мажмуида «Йена» жамоаси ва мураббийлари иштирокида маҳаллий футболчи қизлар ҳамда ишчибозлар учун махсус маҳорат дарслари ташкил этилди. Германия элчи-хонаси ҳамда Ўзбекистон аёллар футболу, мини ва пляж футболу ассоциацияси томонидан ҳозирланган махсус совгалар футбол жамоаларига топширилди.

Дастурга кўра, шу кун Қаршидаги «Марказий» стадионда «Севинч» ва «Йена» қизлари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Унда таркибининг асосий қисмини Германия аёллар терма жамоаси аъзолари ташкил этган меҳмонлар 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Даниэл КРАУС, «Йена» жамоаси бош мураббийи:

— Аввало, бизни илиқ қутиб олганликлари учун барча ўзбекистонликларга ўз ташаккуримни билдирмоқчиман. Жамоамиз уч йилдан бери Германия аёллар бундеслигасида муваффақиятли тўп суриб келмоқда. Футболчиларимиз орасида мамлакат ўсмирлар, ёшлар, олимпия ва катталар терма жамоаларига номзодлар бор. Яқинда қизларимиз Германия миллий кубоги финалига йўлланма ни қўлга киритди. Ўзбекистонда спорт, жумладан, футболни ривожлантиришга жуда катта эътибор ва ғамхўрлик қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Юртингиздаги замонавий стадионлар ва спорт мажмуалари Европа мамлакатларидан қолышмайди. Айниқса, қизларингизнинг футболга бўлган қизиқишини қўриб очиги, роса ҳайратландим. ФИФА бешинчи ўзбекистонни 2012 йили 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мезбонликка муносиб кўрмаган экан.

«Севинч» жамоаси ҳақида гапирадиган бўлсам, унинг таркибиде тиришқоқ ва истеъдодли ўйинчилар бор. Агар қаршилик қизлар халқаро турнирларда кўпроқ иштирок этишса, улар бемалол жамоамизни мағлубиятга уратиши мумкин. Улардаги ҳаракат ва иштиқ шундан дарак бериб турибди.

Кароли ШИВЕ, «Йена» футбол клуби сардори, Германия аёллар терма жамоаси таркибиде жаҳон чемпиони:

— Бугун биз «Севинч» қизларини энгдан бўлсақ-да, ғалаба қозонишимиз осон бўлмади. Жамоа дарвозабони ва ҳимоя чизиги анча қучли экан. Рақибимиз таркибиде аксарият ёшларнинг тўп сурганлигини ҳисобга олсак, яна бир неча йилдан кейин бу жамоа анчагина кучайиши табиий. Ўзбекистонга ташрифимиз мезбонлар учун ҳам, жамоамиз учун ҳам катта фойда келтириши шубҳасиз. Чунки бизни олдинда бир қатор жиддий мусобақалар ва ўйинлар қутиб турибди. Қаршида ўтган ҳар бир лаҳзамиз биз учун унутилмас хотиралар тўхта қилмоқда. Халқингизнинг очикқўнчилиги, меҳмондўстлиги, юртингизнинг гўзаллиги мени ўзига мафтун қилди.

26-27 май кунлари «Йена» спорт делегацияси кўнжа ва ҳаммиша навқирон Самарқанд шаҳрига сафар қилишди. Меҳмонлар шаҳарнинг қадимий обидаларини томоша қилиш билан биргаликда Самарқанддаги «Олимпия» стадионида маҳорат дарслари ўтказиб, футболга ихлосманд қизлар учун махсус тадбирларда иштирок этдилар.

Режага кўра, бугун Германиялик футболчи қизлар пойтахтимизда ташкил этиладиган тадбирларда қатнашади. Сўнгра, соат 18.00 да пойтахтимиздаги «Жар» стадионида Германиянинг «Йена» ва Ўзбекистон аёллар олимпия терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бошланади.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Ҳар бир фарзанд — меҳр, эътиборда

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан юртимизда «Ҳар бир фарзанда меҳр, эътибор!» ҳафталиги бошланди



Ҳафталикнинг дастлабки тадбири «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармасининг ўқув марказида бўлиб ўтди. Унга 2010-2011 ўқув йили давомиде мазкур марказдаги бадий ижодиёт ва ўқув фанлари тўғрақларини тамомлаган икки юз нафарга яқин ўғил-қиз, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий қўмакка муҳтож, кўп болали оилаларнинг фарзандлари тақдир этилди.

Тадбирда «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси директори Р.Мустаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув материаллари, компьютер техникаси ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, ушбу масканлардаги маърифий-тарбиявий ишларни давр талаби асосида йўлга қўйиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармасининг ўқув марказида математика, физика, кимё, биология, информатика, тасвирий санъат, хореография оид тўғрақлар, театр студияси фаолият кўрсатади. Бу ерда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари мактабда олган билимининг янада бойитиш, мустаҳкамлаш имкониятига эга.

Тадбирда ўқув фанлари, бадий ижодиёт тўғрақларида билим олаётган, касб-хунар эгаллаётган болаларга сертификатлар топширилди. Болалар театр студияларининг театрлаштирилган мусиқий дастури намойиш этилди. А.АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Банк кредитлари

Оилавий бизнес ва хунармандчилик ривожига хизмат қилмоқда.

Марказий банк томонидан Қашқадарё вилоятида Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фирмини ўрганиш маркази, Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий учрашувлар бўлиб ўтди.

Ташкил этилган мазкур тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, авваламбор оилавий бизнес ва хунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва банк хизматлари кўрсатиш тартиблари хусусида сўз юритилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, жорий йилда тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга 3,5 трлн. сўмдан ортиқ, нобанк кредит ташкилотлари томонидан эса 307 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилиши ва лизинг хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилган бўлиб, соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга жами 3,8 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилади.

Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган молиявий ресурслар қарийб 191 млрд. сўм ҳажмда прогноз қилинган ҳолда, жорий йилнинг январь-апрель ойларида ажратилган маблағлар миқдори 59 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этди. Шундан 400 млн. сўмга яқини оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар ташкил этиб, йил якунига қадар вилоят бўйича мазкур кўрсаткич қарийб 1 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. 2011 йилда касб-хунар коллежларини битирган қашқадарёлик ёшларга 1,2 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилиши белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 май ҳолатига мазкур йўналишга ажратилган микрокредитлар ҳажми 493 млн. сўмдан зиёди ташкил этди.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларининг барча филиалларида малакали мутахассислар томонидан миқозларга кредитлар ажратиш, банк хизматлари кўрсатиш, бизнесни йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш юзасидан зарур масалалар бериб боришда Марказий банк бу каби амалий учрашувларни республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этишни режалаштирган.

Шоҳйод МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИВ.

Table with weather forecast for 28-29.05.2011, showing temperature ranges for various cities like Toshkent, Samarkand, Nukus, etc.

MUASSIS: Logo and contact information for the newspaper's editorial office.

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

- List of names and positions of the editorial board members, including Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Muhiddin MUHIDDINOV, Ochiilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV.

BO'LIMLAR: Information about the newspaper's circulation, subscription rates, and contact details for advertising.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Information about the newspaper's publication schedule and subscription rates.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV. Information about the newspaper's distribution and subscription details.